

Халмирзаев Аҳмаджан Ахунович
география фанлари номзоди, доцент, Мирзо
Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий
университети

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 330.322:316.422(575.1)

ХАЛМИРЗАЕВ А.А. ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон минтақаларини инновацион ривожлантиришнинг зарурлиги ва моҳияти, тенденциялари, муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: инновация, инновацион салоҳият, инновацион фаоллик, рақобат, рақобатбардошлик, инвестиция, инновацион маҳсулот, инфратузилма.

ХАЛМИРЗАЕВ А.А. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

В статье обсуждается необходимость и сущность инновационного развития регионов Узбекистана, тенденции, проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: инновация, инновационный потенциал, инновационная активность, конкуренция, конкурентоспособность, инвестиции, инновационный продукт, инфраструктура.

XALMIRZAEV A.A. PRIORITIES OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGIONS OF UZBEKISTAN

In the article is discussed the need and essence of innovative development of Uzbekistan's regions, trends, problems and ways to solve these.

Key words: innovation, innovative potential, innovative activity, competition, competitiveness, investment, innovative product, infrastructure.

Кириш.

Бугун дунё мисли кўрилмаган иқтисодий, экологик ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги инқирозларга дуч келмоқда. Бундай шароитда инновацион ривожланиш узоқ муддатли иқтисодий ривожланишнинг зарурий шартига айланади. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалиётга жорий этиш, мамлакат иқтисодиётида чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш, Ўзбекистон ва унинг минтақаларини жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган давлатлари ва ҳудудлари қаторига киришни таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Инновацион тараққиётнинг жадаллашуви қуйидаги омилларга боғлиқ: жаҳон мамлакатлари орасида илмий - техника тараққиёти жараёнларининг фаоллашуви, иқтисодий ўсиш суратларининг тезлашуви, ижтимоий вазиятнинг кескин ўзгариб бораётганлиги ва мавжуд муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари ва бошқалар. Ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикасининг инновацион тараққиёт йўлига ўтиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонунида: "...инновацион фаолият соҳасидаги республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш" масалаларига жиддий эътибор берилган².

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида: "...инновация соҳасида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори техноло-

гия марказлари ва технопаркларни ташкил этиш" каби устувор вазифалар белгиланган³.

Устувор вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, жаҳон илм-фани, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштириш мақсадида "2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси" ишлаб чиқилди⁴.

Стратегияда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш; илмий салоҳият ва тадқиқот самарадорлигини мустаҳкамлаш; ишланмалар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, фан ва тадбиркорлик интеграциясининг самарали механизмларини яратиш; илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар, ушбу соҳаларда фаолиятни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этишга катта эътибор берилган.

Стратегик вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг минтақалари рақобатбардошлигини ошириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги номутаносибликларни камайтириш имкониятини оширади. Ўзбекистон Республикасида ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Масалан, ҳудудларнинг ЯҲМи ўртасида фарқ 7,3 баравар⁵ни, аҳоли жон бошига инвестициялар бўйича фарқ 6,2 баравар⁶ни ташкил этади. Фикри-мизча, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги мавжуд фарқларни сақланиб қолиши ЯИМнинг йиллик 2-3 фоизини йўқотишига олиб келади.

Минтақаларни инновацион ривожлантиришнинг долзарблиги ҳам ички муаммолар (мам-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон фармони.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2020 йил январь-декабрь. -Тошкент, 2021. -30 б.

⁶ Ўша жойда-142 б.

¹ Артюшина Е.В. Исследование прогнозного новшества на наличие стратегического соответствия в диверсифицированной организации // Менеджмент в России и за рубежом. – 2013. – № 2. – с. 48-53.

² Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонуни. 24.07.2020. УРҚ-630-сон.

лакат ҳудудининг иқтисодий жиҳатдан муво- занатли ривожланишини таъминлаш зару- рати), ҳам ташқи омиллар билан боғлиқ, чунки. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги страте- гик рақобатбардошлиги даражаси инновацион фаоллик ва инновацион ривожлана олишига боғлиқдир.

Иқтисодий жараёнларнинг глобалла- шуви, короновирус пандемияси ва халқаро рақобатнинг янада фаоллашуви шароитида мил- лий иқтисодиётни ривожлантиришнинг иннова- цион йўлининг долзарблиги янада кучаяди.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Худудларни инновацион ривожланиши масалалари йирик миллий ва хорижлик олимларнинг илмий асар- ларида ўз аксини топган. Иқтисодиёт фани ва ама- лиётида худудларни инновацион ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Минтақавий инновацион ривожланиш муам- моларига, уни давлат томонидан тартибга солишнинг турли шаклларида фойдаланишга бағишланган масалалар Абалкин Л.И.¹, Артюшина Е.В.², Маковеева В.В.³, Бельченко О.А.⁴, Гайсина И.С.⁵, Земцов С.П.⁶, Кораблева О.Н., Федотова Е.В.⁷ ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

Миллий ва минтақавий инновацион тизим- лар элементларини ривожлантириш муаммо-

лари Содиқов А.⁸, Каримов Б.С.⁹, Курбанбаева Н.¹⁰, Мухитдинова Н., Отажонов Ш.И.¹¹, Салахожаев Р.¹², Сангирова У.¹³, Султонов Б.¹⁴, Эгамбердиев Ф.¹⁵ ва бошқалар илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Шу билан бирга, юқоридаги илмий адабиёт- ларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инновацион тизимларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар соҳасида катта ҳажмдаги илмий ишлар олиб борилганига қарамасдан, минтақаларда инновацион фаолиятни жадаллаш- тириш масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимининг инновацион таркибий қисмининг самарадорли- гини оширишнинг долзарблиги, назарий ва ама- лий аҳамияти, муаммосини ҳал қилиш зарурати мақола мавзусини, унинг мақсад ва вазифаларини танлашни долзарблигини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг мақсади. Худудларнинг барқарор инновацион ривожланишини таъмин- лашнинг назарий ва амалий асосларини такомил-

⁸ Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация / Монография. –Т, 2019. -536 с.

⁹ Каримов Б.С. Инновация фаолиятини молия- лаштиришнинг хориж тажрибалари. Магистрлик диссертацияси.-Тошкент, 2013. -101 б.

¹⁰ Мухитдинова Н.К. Совершенствование теоретико- методологических основ инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Ташкент – 2016. -250 с.

¹¹ Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузил- масини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий меха- низмлари самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018.- 98 б.

¹² Отажонов Ш. Салахаджаев Р. Инновационное экономическое развитие Узбекистана: тенденции и перспективы // <https://review.uz/post/innovacionnoe-ekonomicheskoe-razvitie-uzbekistana-tendencii-i-perspektiv>

¹³ Сангирова У. Развитие инновации в агропромыш- ленном комплексе Узбекистана: проблемы и пути их решения. Монография. – Т. ТИИИМСХ. -2019. -132.с.

¹⁴ Bakhodir Sultanov, Nozim Muminov, Farmonqul Egamberdiev, Lola Egamberdieva. (2020). INNOVATIVE WAYS FOR INCREASING EFFICIENCY OF MELIORATIVE MEASURES IN AGRICULTURE. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (9), pp. 2318-2337. DOI: 10.37200/IJPR/V24I9/PR290263

¹⁵ Farmonqul Egamberdiev, Nozim Muminov, Tatyana Kim, Bekmurod Elmonov,. (2020). Priority Directions of the State Regional Policy: Development of the Agricultural Sector in Order to Reduce Poverty. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(9s), pp. 4806 - 4827. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/17310>

¹ Абалкин Л.И. Стратегический ответ России на вызовы нового века. / Монография. - М.: Экзамен, 2004. – 605 с.

² Артюшина Е. В. Исследование прогнозного нов- шества на наличие стратегического соответствия в диверсифицированной организации // Менеджмент в России и за рубежом. – 2013. – № 2. – с. 48-53.

³ Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Коллектив авторов. Монография. Т.: «Университет», 2021. 700 с.

⁴ Бельченко О. А. Некоторые особенности оценки инновационного уровня развития регионов // Социально-экономические явления и процессы. – 2013. – № 1(047). – с. 43-47.

⁵ Гайсина И.С. Совершенствование системы управ- ления инвестиционной привлекательностью реги- она на основе развития инноваций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени канди- дата экономических наук. –Казань, 2015. -23 с.

⁶ Земцов С.П. Инновационный потенциал регио- нов России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук– Москва, 2013. -27 с.

⁷ Кораблева О.Н., Федотова Е.В. Критерии оценки уровня развития инноваций в регионах // Россий- ское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 6. – С. 929-943.

лаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудий инновацион тизимлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети республика ҳудудларини инновацион ривожланишини таъминлаш жараёнида юзага келадиган ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, анализ ва синтез, илмий умумтаҳлил, таққослаш, эксперт баҳолаш, корреляцион-регрессив, омилли таҳлил ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Асосий таҳлил ва натижалар. Глобаллашув жараёнларининг долзарб вазифаси - барқарор ривожланишни таъминлайдиган иқтисодий ўсиш суръатларини рағбатлантиришдан иборат. Иқтисодиётнинг ривожланиши янги истеъмол қийматини яратиш, молиявий натижаларни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида инновацияларни фаол қўллашга асосланади.

Инновациялар ҳаёт сифати ва хавфсизлик даражасини ошириш, минтақаларни жадал ривожлантириш, салбий экологик оқибатларни камайтириш орқали мамлакат ва ҳудудлар фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда билим ва инновацияларнинг роли жуда катта. Иқтисодиётда тўпланган билимларнинг (ЯИМда илмий-тадқиқот ишларининг улуши) 10 фоизга ошиши ЯИМнинг 1-2 фоизга қўшимча ўсишига олиб келади¹.

Ўзбекистонда фан соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш режасида: фанга ажратилаётган маблағлар улушини ялпи ички маҳсулотдаги 0,2 фоиздан 2 фоизгача ошириш; Scopus va Web of Science халқаро илмий маълумотлар базасида индексланган халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар умумий сонидида Ўзбекистон улушини 0,008 фоиздан 0,2 фоизгача ошириш; ёш мутахассисларни фанга кенг жалб этиш ва олимларнинг ўртача ёшини 39 ёшга етказиш; олий тоифали ёш илмий мутахассислар сонини 39 ёшгача бўлган талабгорларнинг умумий сонидида 11 фоиздан 30 фоизгача ошириш; илмий-тадқиқот

ва тажриба-конструкторлик ташкилотларидаги мавжуд машина ва асбоб-ускуналарнинг умумий қийматида хизмат муддати беш йилгача бўлган машина ва ускуналар улушини 12 фоиздан 50 фоизгача ошириш белгилаб берилган².

2018-2020-йилларда фан ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан 1423 миллиард сўм йўналтирилди. Битта илмий лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган маблағлар миқдори 3,5 бараварга ортди. Унинг 40 фоизи илмий-лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналар ва сарф материаллари сотиб олишга қаратилди. Жумладан 2021 йилда ЯИМда илм-фанга ажратилаётган харажатларнинг улушини 0,8% гача тизимли равишда ошириш кўзда тутилган эди³.

Инновацион жараёнларнинг фаоллашувида инсон капиталининг ўрни катта. Таълим даражасининг 10 фоизга ортиши, ишлаб чиқариш унумдорлигини 8,6 фоизга оширади, ҳиссадорлик капитални шу миқдорда ортиши унумдорликни атиги 3-4 фоизга кўпайтиради. Инсон капиталига сарфланаётган инвестициялар моддий техник таъминотга сарфланаётган инвестицияларга нисбатан уч баробар кўп даромад келтиради. Минтақалар инновацион салоҳиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири минтақадаги ОТМлар сони, уларда ўқиётган талабалар сонидир. Сўнгги (2015-2022 йй.) йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари сони 2,3 баробарга ортди.



Аммо уларнинг ҳудудий жойлашуви ўртасидаги жиддий фарқлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Республика ОТМларининг 42 фоизи Тошкент шаҳрида жойлашган. Қорақолпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, мос равишда, ОТМларнинг салмоғи 9; 8 ва 8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида ОТМлар салмоғининг камлиги кузатилмоқда.

Талабаларнинг сони бўйича Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилади, ушбу ҳудудларга республикада таҳсил олаётган талабаларнинг 33; 10 ва 8 фоизи тўғри

² Хамидов Б. Инновационная активность компаний в Узбекистане // «Экономическое обозрение» № 9 (261) 2021. – 74-77 с.

³ Отажонов Ш., Салахаджаев Р. Инновационное экономическое развитие Узбекистана: тенденции и перспективы // <https://review.uz/post/innovacionnoe-ekonomicheskoe-razvitie-uzbekistana-tendencii-i-perspektiv>

¹ Хамидов Б. Инновационная активность компаний в Узбекистане // «Экономическое обозрение» № 9 (261) 2021. – 74-77 с.

1-расм. Худудлар бўйича фалсафа доктори изланувчилар сони, 2020 йил фоиз ҳисобида¹.2-расм. Инновацион маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони, бирлик ҳисобида².

келади. Талабаларнинг сони жиҳатидан Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари ажралиб туради. Аммо ҳар 10 минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси АҚШдан 6 марта, Польша, Руминия, Россия ва Туркиядан, мос равишда 6; 5; 5 ва 5 марта ортда қолмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби илм-фан ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш борасида, яратилган ҳар қандай илмий нати-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (Х.А.)

² Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018.- 22 б., Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. -6 б


жаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий тадқиқот ишлари тўрт секторда: давлат, тадбиркорлик, олий таълим ва хусусий нотижорат секторларида жадал ривожланмоқда.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги олий таълимдан кейинги таълимга узвий боғлиқ. 2018-2020 йиллар давомида докторантурада таълим олувчиларнинг сони 1764 нафардан 2674 нафарга, ёки 152 фоизга ортди. Докторантларнинг 48,7 фоизи илмий ташкилотларда 51,3 фоизи эса олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. 2020 йилда қабул қилинган (1233 нафар) докторантларнинг 27 фоизи табиий фанлар, 18 фоизи техник фанлар ва 55 фоизини бошқа фанлар соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Докторантурада таълим олаётганлар сони бўйича жиддий ҳудудий фарқлар мавжуд. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида фалсафа доктори даражаси изланувчилари сони жиҳатида Республикада етакчи ўринда туради (1-расм). Ушбу ҳудудлардаги изланувчилар салмоғи, мос равишда, 55 ва 7 фоизни ташкил этади. Изланувчилар сони нисбатан юқори бўлган ҳудудларга Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятлари киради. Уларнинг республикадаги салмоғи, мос равишда, 11; 6 ва 5 фоиз бўлиб қолган вилоятларнинг салмоғи жуда кичиклигича қолмоқда.

Юқоридаги статистик маълумотлар ҳудудлар ва иш турлари бўйича илмий - тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотларнинг сонидан ҳам жиддий ҳудудий фарқларнинг борлигини кўрсатади (2 - расм).

3 - расм. Ҳудудлар бўйича инновацион маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони, 2020 йил, бирлик ҳисобида¹.



Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга ҳамда ҳудудларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларини жадал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

2 - расм маълумотлари инновацион маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сонини 2015 ва 2020 йилларда 2010 йилга нисбатан мос равишда 7,4 ва 23,5 баробарга ортганлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотларнинг 7 фоизини қурилиш ишлари, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, касбий ва илмий техник фаолият, ахборот ва алоқа, таълим соҳаси ва бошқа фаолият турлари, мос равишда, 5; 3; 2; 1 ва 82 фоизини ташкил этади².

Инновацион маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сонига ҳам катта ҳудудий фарқлар мавжуд (3-расм). Ушбу корхоналарнинг аксарият қисмини Тош-

кент шаҳри ва вилоятида марказлашганлигини кўраемиз. Қолган вилоятларда эса нисбатан камлиги ва самарадорлигини нисбатан пастлигини кўраемиз.

Инновацион маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар ҳудудлар бўйича нотекис жойлашган. Бундай корхона ва Тошкент шаҳрида (48,6 фоиз) ва Тошкент вилоятида (15,4 фоиз) ҳамда Фарғона водийси вилоятларида (17,8 фоиз) барча ташкилотларнинг 66,4 фоизи жойлашган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича жорий этилган технологик инновациялар сони 1148 тани ташкил этади. Шундан қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалигида 30 тани, тоғ - кон саноати, ишлаб чиқариш саноати, қурилиш ва бошқа фаолият турларида, мос равишда, 21; 732; 57 ва 308 тани ташкил этади³. Буларнинг ичида ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар кўрсатган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича қуйидагича тақсимланган (4-расм).


Уларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона вилоятларида мавжуд. Бошқа ҳудудларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларга жиддий қўмак бериш-

¹ Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. - 6 б


² Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. - 13 б

³ Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. - 10 б

4 - расм. Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулот, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, 2020 йил¹.



5 - расм. Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар кўрсатган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, 2020 йил охирида, бирликда².



нинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда жорий этилган инновацияларнинг сони 4290 тани ташкил этди. Унинг асосий қисмини технологик (4011 та), маркетинг (202 та) ва ташкилий (77 та) инновациялар ташкил этди³.

¹ Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. -8 б

² Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. -11 б

³ Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. -12 б

Олиб борилаётган мақсадли ва ибратли ишларга қарамасдан Ўзбекистон Республикасида инновацияларнинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб турган қатор муаммолар мавжуд.

Масалан, юқори малакали мутахассисларнинг камлиги, олий таълим сифати ва қамраб олиш даражасининг пастлигидир. Ҳар бир мамлакатнинг илмий салоҳияти олимларнинг сони билан белгиланади. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳар бир миллион кишига 476 та олим тўғри келади. Дунёда ўртача кўрсаткич 1478, Исроилда - 8342, Корея Республикасида - 7498, АҚШда - 4245 ва Россияда 2822 тани таш-

кил этади¹. Буларнинг барчаси инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг моддий техник базаси моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган. Шунинг учун ИТТКИлари инновацияларни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишнинг драйвери бўлолмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун катта маблағлар ажратилишига ва кўплаб янги жиҳозларни келтирилишига қарамасдан муаммо жиддийлигича қолмоқда.

ИТТКИ ишларини молиялаштириш даражасининг пастлигича-ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз даражасида қолмоқда. Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мамлакатни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда илмий-инновацион ривожлантириш асосларини ва фанга ажратилган маблағлар улушини ялпи ички маҳсулотдаги 0,2 фоиздан 2 фоизгача ошириш параметрлари белгилаб берди².

Жуда кўп тармоқ, вазирлик ва ташкилотларда инновацияларни жорий қилиш бўлимлари ташкил этилмаган. Барча ишлар инновация вазирлигининг зиммасига юклатилган. Бу эса маҳаллий илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилишга тўсиқ бўлиб турибди, маҳаллий корхоналарни хориждан тайёр технологик жиҳозлар сотиб олишга боғлиқлигини оширади.

Республикада иқтисодий инновацион ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш имкониятини берувчи технологик воситачиликнинг самарали тузилмалари мавжуд эмас. Инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст. Маҳаллий корхоналарнинг илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланишдаги инновацион фаоллиги даражасининг пассивлиги кузатилмоқда. Бу илм-фан ва инновацияларни бошқаришда маълум таркибий ўзгаришларни талаб қилади. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолияти солиқ имтиёзларининг мослашувчан тизимини жорий этиш орқали рағбатлантиришни тақозо этади.

Таҳлиллар ички ва ташқи бозорда модернизация жараёнларини инновацион ривожлантириш, диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги муаммолар билан бир қаторда *АКТнинг заиф ривожланганлиги, ишбилармонлик муҳитининг талаб даражасида эмаслиги, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини ривожланмаганлиги ва иқтисодий тармоқларининг юқори даражада монополашганлиги* каби муаммолар ҳам тез ечимини топишни талаб этади³.

Хулоса ва таклифлар: Мамлакат ва унинг минтақаларидаги инновацион салоҳиятни ҳамда ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистонда таълим тизими ва илм-фан олдида турган долзарб вазифаларни ҳисобга олиб, қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни янада фаоллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Булар: илмий фаолият натижаларидан самарали фойдаланишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш; жаҳоннинг юқори даражада индексланадиган илмий журналларидаги нашрларни кўпайтириш, олимлар ва тадқиқот жамоаларининг илмий фаолиятини рағбатлантириш; минтақаларнинг хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда долзарб тор илмий мавзулар бўйича ишлайдиган мини лабораториялар ташкил этиш орқали ҳудудлардаги ёш олимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш; минтақавий даражада инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва инновацион иқтисодий ривожланиш учун ўсиш нуқталарини излаш каби масалалар киради.

Мазкур йўналишлардаги ишлар минтақаларнинг инновацион салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва замонавий технологиялар, жумладан, илмий-техникавий ишланмаларни трансфер ва тижоратлаштириш орқали жаҳон бозорига чиқишни таъминлаш имконини беради.

¹ Курбанбаева Н. Анализ пробелов в сфере науки и технологий и инноваций (НТИ) в Узбекистане. – Т., 2020. – С.25

² <https://review.uz/post/innovacionnoe-ekonomicheskoe-razvitie-uzbekistana-tendencii-i-perspektiv>

³ Muminov N. THE ROLE OF INTELLECTUAL POTENTIAL IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY: THEORETICAL AND HISTORICAL APPROACH // German International Journal of Modern Science №19, 2021. VOL. 2. ISSN (Print) 2701-8369. ISSN (Online) 2701-8377. DOI: 10.24412/2701-8369-2021-19-2-27-29

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни. 24.07.2020. ЎРҚ-630-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони.
4. Абалкин Л. И. Стратегический ответ России на вызовы нового века. / Монография. - М.: Экзамен, 2004. – 605 с.
5. Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Коллектив авторов. Монография. Т.: «Университет», 2021. 700 с.
6. Артюшина Е. В. Исследование прогнозного новшества на наличие стратегического соответствия в диверсифицированной организации // Менеджмент в России и за рубежом. – 2013. – № 2. – с. 48-53.
7. Бельченко О. А. Некоторые особенности оценки инновационного уровня развития регионов // Социально-экономические явления и процессы. – 2013. – № 1(047). – с. 43-47.
8. Гайсина И.С. Совершенствование системы управления инвестиционной привлекательностью региона на основе развития инноваций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Казань, 2015. -23 с.
9. Земцов С.П. Инновационный потенциал регионов России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук–Москва, 2013. -27 с.
10. Каримов Б.С. Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибалари. Магистрлик диссертацияси.-Тошкент, 2013. -101 б.
11. Кораблева О.Н. Федотова Е.В. Критерии оценки уровня развития инноваций в регионах // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 6. – С. 929-943.
12. Курбанбаева Н. Анализ пробелов в сфере науки и технологий и инноваций (НТИ) в Узбекистане. –Т. 2020. –С.25
13. Кораблева О.Н., Федотова Е.В. Критерии оценки уровня развития инноваций в регионах // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 6. – С. 929-943.
14. Мухитдинова Н.К. Совершенствование теоретико-методологических основ инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Ташкент – 2016. -250 с.
15. Отажонов Ш. Салахаджаев Р. Инновационное экономическое развитие Узбекистана: тенденции и перспективы // <https://review.uz/post/innovacionnoe-ekonomicheskoe-razvitie-uzbekistana-tendencii-i-perspektiv>
16. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018.- 22 б.
17. Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация / Монография. –Т, 2019. -536 с.
18. Сангирова У. Развитие инновации в агропромышленном комплексе Узбекистана: проблемы и пути их решения. Монография. – Т. ТИИИМСХ. -2019. -132.с
19. Bakhodir Sultanov, Nozim Muminov, Farmonqul Egamberdiev, Lola Egamberdieva. (2020). INNOVATIVE WAYS FOR INCREASING EFFICIENCY OF MELIORATIVE MEASURES IN AGRICULTURE. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (9), pp. 2318-2337. DOI: 10.37200/IJPR/V24I9/PR290263
20. Farmonqul Egamberdiev, Nozim Muminov, Tatyana Kim, Bekmurod Elmonov,. (2020). Priority Directions of the State Regional Policy: Development of the Agricultural Sector in Order

to Reduce Poverty. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(9s), pp. 4806 - 4827. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/17310>

21. Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. -6 б

22. Ўзбекистон Республикасида фан ва инновациялар тўғрисида. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент, 2021. - 13 б.

23. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2020 йил январь-декабрь. –Тошкент, 2021. -30 б.

24. Хамидов Б. Инновационная активность компаний в Узбекистане // «Экономическое обозрение» №9 (261) 2021. – 74-77 с.

25. <https://review.uz/post/innovacionnoe-ekonomicheskoe-razvitie-uzbekistana-tendencii-i-perspektiv>

26. Muminov N. THE ROLE OF INTELLECTUAL POTENTIAL IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY: THEORETICAL AND HISTORICAL APPROACH // German International Journal of Modern Science №19, 2021. VOL. 2. ISSN (Print) 2701-8369. ISSN (Online) 2701-8377. DOI: 10.24412/2701-8369-2021-19-2-27-29